Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 25 июль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 55 (7052)

Da'vat

Агар фанни улкан бир дарахт деб тасаввур қилсак, фундаментал тадқиқотлар унинг илдизини ташкил этади. Зеро, илдиз қанчалик бақувват, чуқур кетган бўлса, дарахт шунчалик барқ уриб яшнайди,куп ҳосил беради.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Пскент туманидаги 2-мактабнинг 9-синфида ўқийдиган Максим Юн Ҳиндистонда бўлиб ўтган анъанавий, халқаро «Шанкар» расмлар ва ёзма ишлар танловида голиб деб топилиб, медалга сазовор бўлди.

Мустақиллигимизнинг 7 йиллик тўйига 36 кун қолди

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА

МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА 1998 ЙИЛДА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ

ОСИЁ РИВОЖЛАНИШ БАНКИ: 153,5 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этиб, бу маблағ, ўқув дастурини ишлаб чиқиш тизимини, дарсликлар педагогик сифатини такомиллаштиришга ва шу мақсаддаги бошқа ишларга сарфланади.

АКСЕЛС ДАСТУРИ: 644 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилиб, 194 нафар ўқувчининг турли давлатларга ўқишига ҳамда халқаро олимпиадаларда, конкурсларда қатнашишига кўмак бермоқда.

«АМЕРОЗ - ИНДУСТРИЕС» ўзбек - америка қўшма корхонаси: 800 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияни таълим муассасалари қошида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфламоқда.

Шунингдек Тинчлик корпуси ва бошқа давлатлар ҳамкорлигида жами 1 млн 534 минг АҚШ доллари ҳажмидаги таълимни ривожлантириш дастурлари, тадбирлар амалга оширилмоқда.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ – ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

ҲУРМАТЛИ МАЖЛИС ҚАТНАШЧИЛАРИ!

Биз бугун ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг биринчи ярим йилликдаги якунларини кўриб чиқиб, биринчи навбатда иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг 1998 йил учун белгиланган устивор йўналишлари нечоғли тўғри ва самарали амалга оширилаётганига алоҳида эътибор беришимиз керак.

Шуни таъкидлашни истардимки, биз учун фақатгина қурсаткичлар, айрим корхона, тармоқ, борингки, иқтисодиётнинг бутун бир мажмуалари эришган натижаларнинг рақамларини таҳлил этиш асосий мақсад эмас. Биз учун жамиятимиз тараққиётида, иқтисодиётимиз ривожланишида, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш жараёнида кўзга ташланаётган ижобий жиҳатларни уз вақтида аниқлаш ва уларни тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, биз иқтисодиётимизда мавжуд бўлган муаммоларнинг таҳлилига, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини топишга, заиф томонларини танқидий баҳолаб, уларни ҳал этишнинг самарали йўл ва усулларини излашга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Такрор ва такрор айтаман: бизнинг мақсадимиз қўлга киритилган натижаларни буяб-бежаб кўрсатиш эмас, балки, авваламбор холис ва танқидий баҳолаш асосида мавжуд муаммоларнинг шакл-мазмуни ва мураккаблигини аниқ тасаввур этиш, уларни ечиш ва пировард мақсад йўлидаги ҳаракатимизнинг аниқ йўналишларини, уфқларини белгилаб олишдан иборатдир.

Ўтган ярим йиллик мобайнида ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини шу нуқтаи назардан баҳолар эканмиз, энг аввало, қуйидаги масалаларга эътиборингизни қаратган бўлардим.

Шубҳасизки, сўнгги вақтларда иқтисодиётимизда, жамиятнинг ташкилий ва бошқарув тизимида, умуман кундалик ҳаётимизда рўй бераётган муайян ижобий узгаришларни сезмаслик мумкин эмас. Улар нималардан иборат?

Биринчидан, иқтисодиётимиздаги изчил ривожланиш тамойиллари нафақат мустаҳкамланди, балки янада яққолроқ кўрина бошлади. Макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди. Тўлов интизоми яхшиланди. Иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқларидаги мутаносиблик ва барқарорлик кучайди. Яхши биласизларки, биз айни шу вазифаларни 1998 йил учун бош устивор йўналишлар сифатида белгилаган эдик.

Бундай хулоса чиқариш учун қуйидаги кўсаткичлар асос бўлмоқда. Аввало, иқтисодиётнинг умумий аҳволини белгиловчи, энг муҳим иқтисодий кўрсаткич бўлган ялпи ички маҳсулот ҳажми изчил усмоқда. Эсингизда бўлса, 1996 йилда ялпи ички маҳсулотимиз 1,6 фоиз, 1997 йилда 5,2 фоиз усган эди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич - 3,3 фоиз, иккинчи чоракда — 4,6 фоиз, ярим йиллик бўйича эса 4 фоизни ташкил этди. Кўриниб турибдики, усиш жараёни изчил давом этмоқда.

Шунингдек, иқтисодиётнинг барча бўлим ва тармоқлари муттасил ва барқарор ривожланмоқда. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми - 5,5 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса — 6,5 фоиз, қишлоқ хўжалигида — 7,4 фоиз, қурилишда — 3,5 фоиз усишга эришилди. Аҳолига хизмат кўрсатадиган сектор — чакана савдо ва пулли хизмат кўрсатиш барқарор ривожланмоқда.

Иқтисодий усиш молиявий ва пул айланишининг барқарорлигига етиш билан бир қаторда, инфляция даражасининг пасайишига эришилмоқда. Биринчи ярим йилликда инфляция даражаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 марта пасайди ва ойига ўртача ҳисоблаганда 1,5 фоизни ташкил этди. Бу шу йил учун мўлжал қилинган кўрсаткичларга тўла мос келади. Нақд пул эмиссияси эса, 8,7 фоиз даражасида мўлжалланган бўлса-да, амалда бор-йўғи 2,6 фоиз бўлди.

Таъкидлаш лозимки, айни вақтда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар вақтида тўлаб борилмоқда. Амалда барча асосий манбалардан бюджетга тўловлар келиб тушди. Бу эса биринчи ярим йилликка мўлжалланган бюджет тўловларини амалга ошириш имконини берибгина қолмасдан, бюджет камомадини қисқартиришга, унинг ялпи ички маҳсулотнинг 1,3 фоизи миқдорида бўлишига эришиш учун замин яратди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз аҳолисининг манфаатларини ҳимоя қилишда, шунингдек, бюджетни тўлдиришда спирт ва бошқа алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни назорат қилиш ва бу борада давлат монополиясини кучайтириш бўйича биз кўрган чора-тадбирлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу чоралар аввало кишилар соғлиги учун хавфли, сифати паст, қаерда ишлаб чиқарилгани номаълум бўлган спирт, арақ, вино маҳсулотларининг контрабанда йўли билан Ўзбекистон бозорларига кириб келишига йўл қўймасликка қаратилган эди.

Ўтган қисқа вақт мобайнидаёқ республикада ишлаб чиқарилаётган алкогол маҳсулотларидан бюджетга тушадиган тўловлар январь-май ойларидаги ўртача ойлик кўрсаткичларга таққослаганда 35 фоиз купайди.

Фақат шу манбадан июнь ойида бюджетга қўшимча 1,4 миллиард сум маблағ тушди. Омборлардаги спирт ва тайёр маҳсулот қолдиқлари камайиб, товар айланиши ортди.

Иккинчидан. Инвестиция фаолиятини кенгайтириш ҳисобидан иқтисодиётда таркибий узгаришлар собитқадамлик билан амалга оширилмоқда. Фақат биринчи ярим йилликда иқтисодиётга ётқизилган капитал маблағларнинг умумий ҳажми 12 фоиз ортди ва 150 миллиард сумга етди. **Бу ялпи ички маҳсулотнинг учдан бирига тенгдир. Сармояларнинг 55 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳаларини, айниқса транспорт ва алоқа, ёқилғи-энергетика мажмуи, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга йўналтирилди.**

Ярим йиллик давомида иқтисодиётимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган иншоотларда қурилиш ишлари фаол олиб борилди. Шуртан газ-кимё мажмуи, Ҳужаобод ерости газ омбори қурилишлари, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш, Кўнгирот сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, «УзДЭУавто» қўшма корхонаси учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ва бошқа бир қатор иншоотларда амалга оширилган ишлар шулар жумласига киради.

Тижорат банклари фаолиятида, улар ўтказаётган кредит сиёсатида ҳам ижобий силжишлар кузга ташланмоқда. Яқин-яқинда банклар ажратган маблағларнинг 90 фоизини қисқа муддатли тижорат кредитлари ташкил этар эди. **Бугунги кунда кредит ресурсларининг ярмидан ортиғи узоқ муддатли, иқтисодиётнинг устивор тармоқларидаги инвестиция лойиҳаларини молиялашга сарфланмоқда.** Айни пайтда банкларнинг устама фоизлари барқарорлигича — ойига 3 фоиз миқдорида сақланиб турибди.

Учинчидан. Ҳужалик юритувчи субъектларнинг уз молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш борасидаги ишлар фаоллашди. Бунда ҳукумат даражасида тузилган махсус комиссиялар фаолияти, корхоналар ва бутун бир тармоқларни қайта тузиш, кам самарали ишлаб чиқаришларни санация қилиш борасида қурилган чора-тадбирлар сезиларли роль ўйнади. Ҳужалик судларининг банкрот бўлган корхоналарга нисбатан тутган қатъий ва дадил позицияси яхши самара берди.

Фақат бир-икки мисол келтираман.

Хабарингиз бор, қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш ҳақида қабул қилинган қонун асосида йил бошида 104 та қишлоқ хўжалик корхонасини молиявий соғломлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқилган эди. Шу мақсадда санация бўйича республика ва вилоят комиссиялари тузилди. Санация қилинадиган барча хўжаликларга четдан бошқарувчилар тайинланди.

Санация жараёни икки йилга мўлжалланган бўлса-да, бугуннинг узидаёқ муайян натижаларга эга бўлдик. Санация қилинаётган корхоналардан биронтаси биринчи ярим йилликни зарар билан якунлагани йўқ, аксинча, уларнинг кўпи фойда олди. 70 хўжаликда бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги утган йилга нисбатан 1,2 баробардан 7 баробаргача ортди.

Муҳими, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан қарийб 40 минг киши — ортиқча ишчи кучи озод этилди. Демак, молиявий соғломлаштиришдек мураккаб масалага ҳам жиддий ёндошилса, ҳалигача маълум бўлмаган катта имкониятларни қидириб топиш мумкин экан. Фақат бу иш билан мунтазам ва жиддий шуғулланиш даркор.

Бошқа бир мисол. Бошқарув тизимини узгартириш, ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини ошириш ҳисобидан ҳам салмоқли ишлаб чиқариш ва молиявий натижаларга эришиш мумкин. Бунга ярим йилликни зарар кўрмай якунлаган Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги яққол далил бўла олади. «Узқурилишматериаллари» компаниясида эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 17 фоиз, баланс даромади эса - 44 фоиз ортди. Кўряпсизки, бу ерда ҳам талай имкониятлар бор экан.

Туртинчидан. Узбекистоннинг жаҳондаги қўплаб мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалари кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Республикамиз жаҳон бозорида тобора нуфузли ва ишончли шерик, дунёдаги хўжалик муносабатлари тизимида фаол қатнашчига айланмоқда. Бунинг учун барча зарур ҳуқуқий ва амалий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бунга «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ва «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» иккита янги қонуннинг қабул қилиниши, жаҳоннинг 35 мамлакати билан савдо-иқтисодий ҳамкорликда қулай шарт-шароит яратиб бериш тўғрисида Битим имзолангани, Вашингтонда Ўзбекистон — Америка комиссиясининг биринчи мажлиси ўтказилгани, АҚШ, Япония, Исроил каби бир қанча мамлакатларда қатор конференция ва бизнес-семинарлар ташкил этилгани ёрқин мисол бўла олади.

Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европада ҳамкорлик бўйича комиссия, Осиё банки каби бир неча халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Шу йилнинг ўзида Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши корхоналарни ташкилий узгартириш ва хусусийлаштиришдан сўнг қўллаб-қувватлаш лойиҳаси бўйича 28 миллион долларлик маблағ ажратиш ҳақидаги битимни имзолади. Тошкент шаҳрининг санитария ҳолатини янада яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш лойиҳалари бўйича иш давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимизнинг бугунги иқтисодий - ижтимоий, сиёсий ҳаёти, эришилаётган ютуқларимизу ҳал этишимиз лозим бўлган муаммоларимиздан огоҳлигимиз, шу ўринда уларга хайрихоҳлигимиз эртанги кунимиз қандай бўлишини белгилашда тошу тарози вазифасини ўтайди. Маълумки, бу борада бизга Президентимизнинг турли учрашувларда, сафарларда ҳамда даврий якуний йиғилишларда сўзлаётган нутқлари асосий дарслик вазифасини ўтамоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг амалдаги йилимизнинг биринчи ярим йиллиги якунига бағишланган йиғилишида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг сўзлаган нутқи ҳам юртимизнинг шу кунлардаги юрак уриши маромини билдирувчи ва унинг бир маромда уришини таъминлайдиган омилларни кўрсатиб берганлиги билан аҳамиятли.

Газетамизда берилаётган ушбу нутқ ўқитувчиларга, ўқувчиларга, талабаларга, қолаверса кенг жамоатчиликка бой манба бўлади.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган «Талаба-ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаш - давр талаби» мавзуидаги илмий-амалий семинарда бу борада олий ва ўрта махсус билим юртларида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим амалий масалалар муҳокама этилди.

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида Марказий Осиё давлатлари, БМТ ва ядро қуролига эга мамлакатлар — Буюк Британия, Россия,Хитой,АҚШ ва Франция экспертларининг учрашуви бўлиб, унда «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд» тўғрисидаги Шартноманинг асосий элементлари» ҳужжат лойиҳаси муҳокама этилди.

JUMLADA JAHON

Халқаро молия ташкилотларидан жами 26,6 миллиард доллар қарз сўраган Россия учун ҳозирда 4,8 миллиард доллар кредит беришга қарор қилган Халқаро Валюта Фондининг бу ёрдами Россия учун сўнггиси бўлиши мумкин, дея айтишмоқда сиёсатчилару иқтисодчилар.

Японияда кўплаб корхоналарнинг ўзини банкрот, деб эълон қилаётганлиги, устига-устак инқирозга асосан молия ташкилотлари юз тутаётганлиги мамлакат иқтисодий ҳаётида жиддий хавотирли ҳолни юзага келтирмоқда.

Jarayon

МАСЪУЛИЯТ ВА ИЖРО

Фикр айтишга баъзан сабаб излайсан, уни топа олмайсан. Айрим ҳолларда фикр айтишга сабаб кўп бўлса ҳам айтишга асос топа олмай қолар экансан, киши. Қайсики, қатъиятли фикр айтиш учун жўръат керак. Жўръат учун эса жавобгарликни ҳис этиш зарур. Жавобгарлик учун илмий (англаб етилган) асос керак. Илмий асос эътиқодли амалий аҳлоққа келиб тақалади. Буни эса шахснинг малакали мутахассис бўлиб шаклланиши ечиб беради.

Зеро, бугунги кундаги таълим тизимимизда ислоҳотларни амалга ошириш учун юқорида айтиб ўтилган жўръат, жавобгарлик ва илмий асосни ўзида умумлаштирувчи Давлат ҳужжати: «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилиндики, бу ҳужжатларни энди жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси масъулият билан бажариши шарт бўлади.

Агар таълим муаммосини ечишга масъулият билан ёндошадиган бўлсак, унда уз-ўзидан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг туб моҳият мазмунини жиддий англаб етишга тўғри келади. Умуман, таълим жараёнини мантиқан ўйлаб кўрсак бизнинг таълим тизимимиз энди педагогик «тил», ер, манфаат бирлигига келишимизни амалий таъминлаб бериши лозим. Шунинг учун ҳам бу ҳолнинг ижобий, ижодий ечилиши таълим тизими учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Зотан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мақсади ва вазифаларини узлуксиз амалга оширилишини кенг маънода тушуниш керак.

Изланишларимизнинг кўрсатишича, дастурни узлуксиз изчил амалга оширилишини таъминлаш учун асосий тўртта муҳим муаммони ҳал этиш жоиз. Булар: ўқитувчи, ўқув юрти, ўқувчи ва дарсликлардир.

Ушбу муаммоларнинг қўйилиши масаланинг биринчи умумий томони.

Масаланинг иккинчи аниқ томони: муаммолар қандай мазмунда ўрганилади ва ечилади, уни ким қандай бажаради?

(Давоми 3-бетда).

Taraddud

ХАЛҚ САЙЛИГА АЙЛАНСИН!

«Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига кўра ушбу байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси тузилган эди. Кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ушбу қўмитанинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур ташкилий қўмита раиси, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев ушбу тадбирни умумхалқ байрами сифатида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида, туманларда оммавий тарзда ўтказиш лозимлигини таъкидлади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликларига ҳам шундай ташкилий қўмиталар ташкил қилиб, уларга бу байрамни катта халқ сайли даражасида ўтказиш учун махсус дастурлар тузиш, уларнинг бекаму-кўст бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилди. Шунингдек ушбу гуруҳга кекса, фахрий педагоглар ҳолидан хабар олиш, рағбатлантириш, уларни байрам тадбирларига жалб этиш, совға-саломлар улашишни уюштириш топширилди. Бу ишларга «Соғлом авлод учун», «Камолот», «Умид», «Устоз», «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаларини жалб этиш чора - тадбирларини кўриш вазифаси юкланди.

Юқорида қайд этилган фармойишга биноан Республика Халқ таълими вазирлигида ҳам Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрамини кўнгилдагидек ўтишини таъминлаш мақсадида амалий ишлардан иборат тадбирлар тузилиб, жойларда уларнинг ижроси бошлаб юборилди.

«Ma'rifat» anketasi

ЕТТИ ЙИЛ ҲОСИЛАСИ

1. Мустақиллик деганда нимани тушунасиз?
2. Истиқлолдан сўнг таълим - тарбия соҳасида қандай ўзгаришлар рўй берди, деб ўйлайсиз?
3. Мустақил юртимиз ёшларининг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

1. Мустақиллик деганда мен ўзликни англаш ва англата билишни тушунаман. Ҳар бир ўзбек ўғлони ёки қизи илм истаб, тажриба ўрганиш учун бемалол чет элларга бориб, тенгдош ёки касбдошлари билан мулоқотда бўлаётганликлари мустақиллигимиз шарофатидандир. Ўзбекистон деган юртни, халқу миллатни дунё таниётгани, англа-ётганлиги ҳам мустақилликнинг меваси деб тушунаман.

2. Таълим тизимида олиб борилаётган ишлар ҳам аста секин ўз натижаларини кўрсатмоқда. Айниқса ўқитиш турларининг кўпайиши - мактабдаги иқтидорли ёшлар гуруҳи, лицей, коллеж кабиларнинг фаолият кўрсата бошлаётганлиги қувонарли бир ҳолдир. Бундан ташқари, олий ўқув юртлари қошидаги махсус мактаблар, мактаб-интернатлар, академик лицейларда ўқийдиганларнинг сони йил сайин ошиб бораётганликлари тараққиёт аломатидир.

3. Келажагимиз давомчилари бўлмиш ёшларимизнинг бундан ҳам зукко, билимдон бўлишларига, ўтмиш аждодларимиз руҳини доимо шод этишларига, ўз элига, халқига вафодор, меҳр - оқибатли бўлишларига ишонаман.

Шу билан бир қаторда ёшларимиз ўзлигини, ўзбеклигини доимо ҳурматлаб, Ватан деган тушунчани дил-дилидан англаб олишларига, мустақил юртнинг мустақил фикрлайдиган, истиқлол берган неъматларга ҳамиша шукр қилиб яшайдиган ва уларни мустаҳкамлаб борадиган авлод бўлишларига ишончим комил.

Тоҳир УСМОНОВ,
Ўзбекистон истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси ихтирочи ва рационализатор ёшлар билан ишлаш ҳамда илмий тадқиқот бўлими бошлиғи

ХАБАРЛАРИ — MMM

Xotira xosiyati

Angren o'zbek turk litseyida, bobomiz Ahmad al-Farg'oniy tavalludining 1200 yilligiga bag'ishlangan kecha bo'lib o'tdi. Kechada kutubxona mudirasi N. O'sarovaning ma'ruzasi barchada katta taassurot qoldirdi. O'quvchilar birgina ma'ruza orqali buyuk o'tmishimiz, ajdodlarimiz va milliy me'rosimiz to'g'risida qimmatli ma'lumotlarga ega bo'ldilar.

A. KARAYEV

Hamkorlik mahsuli

Andijon shahridagi 6-maktab boshlang'ich sinf o'quvchilariga mo'ljallangan binoni ta'mirlashda «Isoq ota» savdo firmasi 180 ming so'mlik ta'mirlash ishlarini bajarib berdi. Maktabni yangi o'quv yiliga tayyorlashda T.Mirzayev boshchiligidagi otaonalar jamoasining A. Qodirov etakchiligidagi qurilish brigadasi bilan hamkorligi samara berdi.

Sh. KELDIYEV

Malaka oshirishdi

Xorazm viloyati Yangibozor tumani XTB xodimlari barcha hududiy tayanch maktablarda 5- sinf o'qituvchilariga lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini chuqur o'zlashtirib olishlari uchun maxsus kurslar tashkil qilishdi. O'qishni yangi alifboda boshlagan o'quvchilar bu yil 5-sinfda ta'lim oladilar. Ularga saboq beradigan 389 nafar o'qituvchi yangi alifbo bo'yicha o'z malakalarini oshirishdi.

D. ORTIQOVA

Izlanishlar samarasi

Yaqinda Toshkent shahrida yosh kartingchilarning Respublika miqyosidagi musobaqalari bo'lib o'tdi. Bu musobaqada barcha viloyatlar kartingchilari qatnashib «Figurali uchish», «Otish», «Test sinovlari» bo'yicha o'z bilim va maxoratlarini sinadilar. Toshkent shahar Sirg'ali tumanidagi O'YoITIM pedagogik-ustozlarining izlanishlari ushbu musobaqada o'z samarasini ko'rsatdi. Ularning «Viraj» komandasi faxrli birinchi, Navoiy viloyati ikkinchi, Andijonliklar esa uchinchi o'rinni egalladi.

Musobaqani O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi vaziri o'rinbosari Y.Saidjonov o'z kirish so'zi bilan ochib berdi.

Z. TURDALIYEVA

MMM — XABARLARI

Hayajonli onlar

Namangan viloyati Yangiqo'rg'on tumanidagi «Zarkent» nafosat, tillar va iqtisodiyot litseyida O'zbekiston Badiiy Akademiyasining haqiqiy a'zosi, akademik Akmal Nuriddinov va san'atshunoslik fanlari nomzodi Kamola Oqilova bilan uchrashuv bo'lib o'tdi. Asosiysi, nozik san'at yo'lida ilk qadamlar qo'yayotgan o'quvchilar o'zlarining rassomchilikdagi ruhiy chanqoqliklarini qondirib oldilar.

Q. ABDURAHIMOVA

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ – ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

(Боши 1-бетда)

Осиё ривожланиш банки билан транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, маориф ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш борасида лойиҳалар тайёрлаш ва амалга ошириш хусусида келишувга эришилди. Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётлари чиқариш тизимини такомиллаштириш бўйича 40 миллион долларлик имтиёзли кредит ҳақида шартномалар қабул қилинди.

Ташқи савдо фаолиятида, экспорт ва импорт тизимида рўй бераётган ижобий силжишлар ҳақида ҳам тўхталиб утмасак бўлмайди. Биринчи ярим йилликда ташқи савдо оборотининг сальдо қолдиғи ижобий бўлиб, у 200 миллион АҚШ долларидан ортди. Айни вақтда олтин-валюта заҳираларимиз сақлаб қолинди. Мамлакатнинг тўлов баланси мустаҳкамланди.

Юқори даражада қайта ишланган маҳсулотларни экспорт қилиш тамойили янада кучайди. Хусусан, механик асбобускуналарни экспорт қилиш 4,5 марта, электр жиҳозлар, жумладан, телевизорлар, видеомагнитофонлар ва аудиотехника экспорти — 2,6 марта, трикотаж матоларини четга сотиш — 2 мартадан зиёд ортди.

Бошқа маҳсулотлар - автомобиллар, кимёвий буёқ ва лаклар, гиламлар ва бошқа буюмлар экспорти ҳам кўпайиб бормоқда. **Импорт тизимида 70 фоиз маҳсулот ишлаб чиқариш - техника йўналишига тўғри келади. Шундан 48 фоизидан кўпроғи машина ва ускуналардир. Бу тамойилни келажакда ҳам мустаҳкамлаш зарур.**

Б е ш и н ч и д а н. Жорий йилда 1998 йилнинг бош вазифаси деб эълон қилинган оила манфаатларини рўёбга чиқаришни таъминлаш бўйича Давлат дастурини бажаришга алоҳида эътибор берилди.

Оилаларнинг, аҳолининг ва ҳар бир инсоннинг фаровонлигини таъминлаш борасида ҳукумат томонидан қандай аниқ, амалий ишлар қилинди?

Биринчидан, оилавий муносабатларнинг қонуний асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини қонуний муҳофаза қилиш, оналик ва болалик ҳуқуқини таъминлаш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Умумхалқ муҳокамасидан кейин Узбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинди.

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, кўплаб вилоят ҳокимликларида оилавий муносабатлар муаммоси билан шуғулланадиган хўжалик ҳисобида ишлайдиган маслаҳат хизмати ташкил этилди. Республика аҳолисини ҳуқуқий тарбиялашни яхшилаш, оилавий низолар ва ажралишлар тўғрисидаги суд амалиётини ўрганиш борасида фаол иш олиб борилмоқда. Олий суд Пленуми бу йўналишдаги ҳуқуқий ишларни яхшилаш бўйича таклифларни кўриб чиқиши керак.

Иккинчидан, оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш, соғлиқни муҳофаза қилиш, оила аъзоларининг маълумот даражасини юксалтириш учун зарур шарт-шароит яратиш соҳасида ҳам ижобий силжишлар бор.

Болалардаги туғма касалликларнинг олдини олиш ва камайтириш бўйича дастур қабул қилинди. Қишлоқ врачлик пунктларини зарур ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Оилавий жисмоний тарбия ҳаракатини кенгайтириш борасидаги ишлар фаоллашмоқда, миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича олимпиадалар ўтказилмоқда.

Учинчидан, оиланинг иқтисодий манфаатларини, бандлик даражасини таъминлаш, уй меҳнати ва турмуш шароитини яхшилаш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

Бандлик ҳудудий дастурларига мувофиқ ўтган давр мобайнида 183 минг янги иш ўрини ташкил этилди. Шундан 112 мингтаси қишлоқ жойларида экани диққатга сазовордир. 1600 нафар ногирон, 7 минг нафарга яқин ёш болали аёллар ишга жойлаштирилди.

Ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш ҳажмлари оила манфаатлари бизнинг мамлакатимизда нақадар устивор эканига яққол мисол бўла олади. Биринчи ярим йилликда 4 миллион квадрат метр уй-жой қуриб битказилди. 2,5 минг километр газ, 1000 километрдан зиёд сув узатиш тармоқлари ишга тушди, бир сменада 7 минг кишига хизмат қиладиган шифохона ва бошқа иншоотлар фойдаланишга топширилди.

Жорий йилнинг 1 июлидан ойлик маош ва стипендиялар ўртача 1,5 баравар, пенсиялар эса 1,6 баравар оширилди.

Тўртинчидан, оиланинг маънавий-аҳлоқий асосларини такомиллаштириш ҳамда маданий манфаатларини таъминлаш учун етарли шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республика матбуоти саҳифаларида оила маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи янги рукнлар очилди. Радио ва телевидение орқали бу мавзуга бағишланган кўрсатув ва эшиттиришлар мунтазам бериб борилмоқда. Оила байрамларини, турли кўргазма ва кўрик-танловларни ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Олий ўқув юртларида таълим олаётган ёш оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Оила муаммоларининг илмий, ижтимоий тадқиқотини чуқурлаштиришда Оила илмий-амалий марказининг ташкил қилиниши катта аҳамиятга эга.

Ҳукумат, маҳаллий ҳокимият органлари оила манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастурий тадбирларнинг бажарилишини қаттиқ назорат қилишлари, оилани мустаҳкамлаш, унинг моддий фаровонлигини оширишга ёрдам бераётган жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари зарур. **Бирон-бир раҳбарнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқ эканини биз айнан мана шу нуқтаи назардан, яъни шаҳар ва қишлоқ, туманларнинг ижтимоий қиёфаси, оилаларнинг турмуш тарзи қандай ўзгараётганига қараб баҳолаймиз.**

Муҳтарам дўстлар!

Жорий йилнинг утган даври ва умуман кейинги йилларни сарҳисоб этарканмиз, эътиборингизни қуйидаги масалаларга қаратмоқчиман.

Мамлакатимизда маош вақтида туланаётгани, нафақа ва тўловлар кечиктирилмай берилаётгани биз учун табиий ҳолга айланаётганига эътибор ҳам бермай қолдик. Ваҳоланки, қатор Ҳамдўстлик давлатларида иш ҳақи ва нафақаларнинг ўз вақтида берилмаслиги, ночорликдан натура тўлови жорий қилинаётгани, яъни иш ҳақи гўшт, буғдой, айрим жойларда ҳатто четдан келтирилган банан ва бошқа маҳсулотлар шаклида тўланаётгани ҳам бор ҳақиқат.

Мамлакатимизда узаро тўловларни жиловлаш ва хавфли чегарадан ўтиб кетмаслиги, изчил иқтисодий ривожланиш таъминланмоқда. Инфляция ва давлат бюджети камомади белгиланган даражада сақланиб қолмоқда. Ички ва ташқи давлат қарзи ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 5 фоизини ташкил этмоқда, холос.

Буларнинг барчасини макроиқтисодий мутаносибликнинг яққол далили деб қабул қилсак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда эришилган ривож суръатлари, молиявий ва ижтимоий барқарорлик бизга танлаган ва олиб бораётган ислоҳот ва янгиланиш сиёсати тўғри эканлигининг исботидир.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, ўзларининг фидойи меҳнатлари билан жорий йилда ғалладан юксак ҳосил етиштирган миришкор деҳқонларимизга, қишлоқ хўжалиги ходимларига мурожаат қилиб, уларга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этишдан ғоят мамнунман. Улар ҳозиргача давлатга 2 миллион 100 минг тонна ёки ўтган йилдагига нисбатан 300 минг тонна кўп ғалла топшириб, Узбекистонимизнинг ғалла мустақиллигига катта ҳисса қўшдилар.

Бу улкан хирмон, бу ютуқ, энг аввало, қишлоқда олиб борилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар, замонавий агротехнологиялар ва техника қўлланиши, уруғ танлаш ва етиштириш соҳасидаги илғор дунё тажрибасидан фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини устириш натижасида қўлга киритилди.

Уз меҳнати, қадоқ қўллари билан бу бойликни яратаётган ва мамлакатимиз халқининг ризқи-рўзини таъминлаётган ғаллакорларимизни яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Албатта, эришилган ютуқлардан кўз юмиб бўлмайди. Аммо ҳозир биз бу хусусда эмас, балки ҳаммамизни ташвишлантираётган муаммолар ҳақида кўпроқ фикр юритсак тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Мавжуд вазиятни танқидий баҳолар эканмиз, ислоҳотлар йўлида дадил боришимизга халақит бераётган, бизни орқага сураётган муаммоларнинг туб сабабларини аниқлаш, улардан тегишли хулоса чиқариш жуда муҳимдир.

Тўғри, мазкур муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида кўп гапирганмиз. Афсуски, амалий ишга тушишимиз жуда қийин бормоқда. Шунинг учун ҳам мавжуд камчиликлар ва нуқсонлар, уларни бартараф этиш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида қайта-қайта гапиришга мажбур бўлмоқдамиз.

Хўш, бу нуқсонлар нималардан иборат?

Б и р и н ч и д а н. Бозор иқтисодиёти асосларини яратишга қаратилган ислоҳотлар жараёни бошланганига қарийб 7 йил бўляпти. Лекин, давлат ходимларимизнинг, аввало барча даражадаги раҳбарларнинг тафаккури катта қийинчиликлар билан жуда секин ўзгармоқда. Ҳаётимизнинг янги шарт-шароитларини эски, қотиб қолган услуб ва йўл-йўриқларга бўйсундириш ва мослаштиришга уриниш яққол кўзга ташланмоқда.

Узларингиз бир эътибор беринг. Республикамизда мазмунмоҳиятига кўра бозор иқтисодиёти талабларига мос тушадиган тамоман янги иқтисодий муносабатлар шаклланмоқда. Эски режали бошқариш ва тақсимлаш, маъмурий-буйруқбозлик тизими ўтмишга айланмоқда. Госплан, Госснаб деган идоралар ҳам, лимит, фонд деган тушунчаларга ўрин қолмади. Ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишнинг бутунлай янги, бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган тизими шаклланмоқда.

Янги молия бозори, банк тизими, бозор инфратузилмасини ташкил этилди, фонд бозори ишлаб турибди. Корхоналар ўз фаолиятини янги бозор қоидалари ва механизмларига суяниб қайта ташкил этмоқда. Аммо, афсуски, яна такрорлайман, кўпгина одамлар, аввало раҳбар ходимлар ҳамон эскича фикрлашмоқда.

Бунинг сабаби эса битта: кимлардир эски оқим таъсирида қолмоқда, кимдир ўзи жуда қуникиб қолган эски замонни қўмсаяпти. У замон қанақа замон эди - узларинг яхши биласизлар. Маркетинг, менежментнинг замонавий услублари ҳеч кимни қизиқтирмас, янги-янги харидор ва бозор топиш, рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш, бунинг учун ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизациялаш лойиҳаларининг молиявий манбаларини қидириб топиш, кредит ҳақида ҳеч ким бош қотирмасди. Кескин рақобат шароитида ютганиш йўлларини излаш, кишиларнинг қўлини ишдан совутмаслик учун меҳнатига яраша маош тайинлаш, иш шароитини яхшилаш, замон талабига қараб ишлаш ҳақида гапирмаса ҳам булади.

Маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш тизими амал қилган даврларда ҳеч кимга керак бўлмаган маҳсулот босиб кетар ва бундан келадиган зарар давлат ҳисобидан қопланар эди.

Минг афсуски, мана шундай қарашлар, шўролар замонидан қолган, ташаббус, тадбиркорликдан мутлақо йироқ боқимандалик кайфияти бизга панд бермоқда.

Ҳали-бери, давлат нарх-наво билан мунтазам кураш олиб бориши керак, бозор нарҳларини назорат қилиш керак, маҳсулоти сотилмаса ҳам маошнинг вақтида тўланишига кафолат бериши керак, деб бизга ақл ўргатувчилар орамизда йўқ эмас.

Маҳсулотини бозор кўтармаётган бўлса ҳам, отнинг калласидек маош олаётганлар ҳам кам эмас.

Мана шунақа кайфият билан юрганларга қаратиб, қаттиқ, қатъий сўзларни айтишга мажбурман. Бугун маърифатли дунё тан олган ва риоя қилаётган, бугунги замоннинг ўзи тақозо этган янги принциплар, қонунларни тушунмайдиган, қабул қилмайдиган шахслар, амалпарастлар энди бизга ҳалақит бермасин, чеккага чиқсин, ўрнини ёшларга, илғор фикрловчи мутахассисларга бўшатиб берсин!

И к к и н ч и муҳим масала. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кўп қиррали иқтисодиётни шакллантириш, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш бўйича қурилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, реал мулкдорлар пайдо бўлиш жараёни суст кетмоқда. Қайта такрорлайман: реал мулкдорларнинг пайдо бўлиш жараёни суст кетмоқда! Бу, хусусан, қишлоқ хўжалиги, саноат, капитал қурилиш соҳаларида ўзга яққол ташланмоқда.

Тан олишимиз керакки, хусусийлаштириш ва акциялаш кўп ҳолларда хўжакўрсинга ўтказилиб, бу тадбир биз кутган натижани бермаяпти. Корхоналарни бошқариш тизимида туб ўзгаришлар йўқ.

Афсуски, корхоналар ва тармоқларни бошқариш тизими эскилигича қолмоқда. Биз бугун хусусийлаштирилган корхоналарнинг ҳақиқий эгалари бор, деёлмаймиз. Нега деганда ҳақиқий эга корхонасидаги иш сифатига, унинг молиявий аҳволи, истиқболига бефарқ қараб туролмайди.

Талай концерн ва корпорациялар раҳбарлари, энг аввало, директорлар корпуси айтганим - айтган, деганим - деган қабилида ишлашга одатланганлар. Улар ҳукмронлик ваколатларидан ажралиб қолишдан, ислоҳотлардан, ўзгаришлардан чўчийдилар.

Айрим раҳбарларимизнинг акциялаштирилаётган корхоналарнинг низомий жамғармасида давлат ва жамоа мулки ҳиссасини мумкин қадар кўпроқ сақлаб қолишга уринаётганлари мана шу қўрқув оқибатидир.

Ўйлайманки, бу масалада Вазирлар Маҳкамаси аниқ бир қарорга келиши зарур.

Хўш, бундай вазиятдан ва боқимандалик кайфиятидан халос бўлишнинг йўли борми? Албатта бор!

Биринчидан, акцияларнинг давлат улуши 25 фоиздан, жамоа улуши 26 фоиздан ошмаслиги ҳақидаги Фармон бандларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарур.

Иккинчидан, мазкур корхоналарда мулкнинг давлат улушини бошқариш механизмларини шакллантириш баробарида, қонунларимизда кўзда тутилганидек, ҳиссадорларнинг кенгашларини тузиш зарур. Токи улар амалда ҳиссадорлик жамиятларини бошқаришнинг олий органига айлансинлар. Ҳиссадорлар йиғилишидан йиғилишигача бўлган вақт мобайнида бошқарув кенгаши фаол ишласин. Биз албатта шунга эришмоғимиз керак. Шунга эришганда бундай корхоналарнинг раҳбарлари ҳиссадорлик йиғилишига ва умумий кенгашига бўйсуниши шарт.

Учинчидан, аввало биржа фондида, эркин савдода фуқароларга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш учун мўлжалланган акциялар пакети реализациясини тезлаштириш зарур. Бу акциялар шунчаки қоғоз эмас, том маънода қимматли қоғоз бўлмоғи керак. Токи ҳар бир акцияси учун акциядор дивиденд, даромад олсин. Акция савдосининг сўнгги икки талабига тўлиқ амал қилинган тақдирдагина корхона ҳақиқатдан ҳам акциялашган ҳисобланади.

Тан олишимиз керакки, тармоқлар, корхоналар раҳбарлари инвесторлар, авваломбор хорижий инвесторлар диққат-эътиборини узларига жалб қилолмаяпти. Акцияларнинг эркин савдога мўлжалланган салмоқли қисми ўз харидорини тополмаётганини фақат шу билан изоҳлаш мумкин.

Акциялар савдосини ташкил этиш, энг аввало, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, унинг жойлардаги бўлимлари вазифасидир. Давлат мулк қўмитаси бош-қош бўлиб, ушбу ишларни охирига етказсин.

Ҳукумат (Ў. Султонов) мазкур масалани кўриб чиқиб, уни ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиши лозим. Кўрилган чора-тадбирлар ҳақида бир ой вақт ичида ҳисобот берилсин.

Фонд бозори, айниқса иккиламчи бозор ривожини тезлаштиришга, аҳоли кенг қатламларини фонд бозорига жалб этишга эътиборни кучайтириш зарур. Корхоналарни акциялаштиришга хорижий сармояларни жалб этишнинг, Узбекистон фонд бозорининг халқаро капитал бозорига кириб боришининг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқишнинг пайти етди, деб ўйлайман.

Биз мамлакатимизга кенг куламда хорижий инвестициялар киритилиши тарафдоримиз. Бу мақсад биз учун устивор сиёсатдир.

Оммавий хусусийлаштириш механизми сифатида корхоналарни акциялаштириш ва бошқариш ишига хусусийлаштириш инвестиция фондларини кенг куламда, қўрқмасдан жалб этиш керак. Бунинг учун ўз жамғармалари ва акцияларини хусусийлаштириш инвестиция фондларига ва хусусийлаштирилган корхоналарга қўювчилар ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлайдиган мустаҳкам ҳуқуқий замин даркор.

Шуни ҳам назардан соқит қилмаслик керакки, инвестиция фондлари ва уларни бошқарадиган компанияларнинг сунъий молия пирамидаларига айланиб кетишининг олдини олиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқ зарур. Бу ҳам бевосита Мулк қўмитасининг вазифасига киради.

Яна бир катта муаммомиз. Кўп корхоналарнинг молиявий аҳволи ҳамон оғир бўлиб қолаётгани бизни қаттиқ ташвишлантиряпти. Узаро тўловлар аҳволи ҳам қониқарли эмас. Корхоналарнинг жўнатилган юклар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат бўйича муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра 75 миллиард сўмни, кредиторлик қарзи эса 87 миллиард сўмни ташкил этди.

Дебиторлик қарзининг ўсишига йўл қўяётган масъул шахсларнинг, корхона раҳбарларининг бу номақбул иш учун бевосита жавобгар эканликларини яна бир бор эслатмоқчиман. Мен учун давлат тартиби - аввало тўлов тартибларига риоя қилишдан бошланади.

Дебиторлик қарзларининг мавжудлиги шу ташкилотлар учун ўз айланма маблағларининг етишмаслигига олиб келмоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва техник қайта жиҳозлашни орқага сурмоқда.

Бундан ташқари, айланма маблағларнинг каттагина қисми ҳамон якунланмаган ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш заҳираларига, тайёр маҳсулот заҳираларига жалб этилиб, ҳаракатсиз туриб қолмоқда. Шу билан бирга, айланма маблағлар ҳамон тижорий режада кўзда тутилмаган тадбирларга сарфланмоқда.

Бундай узбошимчаликнинг жавобгарлиги борми-йўқми? Айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдириб борилиши ҳақидаги Фармоннинг кучи қаерда қолди? Мазкур Фармонга биноан, айланма маблағларнинг сақланиши, аниқ мақсадларда фойдаланиши ва ўз вақтида тўлдириб борилиши учун вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, ассоциациялар, холдинг компаниялар раҳбарлари ёки уларнинг иқтисодий масалалар бўйича муовини, корхоналарнинг ўзида эса директорлар, уларнинг иқтисодий масалалар бўйича уринбосари ва бухгалтерлар шахсан жавобгар эканликлари қўрсатилганми, йўқми?!

Республика Бош Прокурори (Б. Мустафоев), Марказий банк бошқаруви раиси (Ф. Муллажонов), Молия вазири (Ж. Сайфиддинов) бу саволга жавоб беришлари зарур.

Корхоналар акцияларини сотиш ҳисобидан айланма маблағларни тўлдириб боришнинг яна бир манбаидан фойдалана олмаяпмиз. Биз фақат бу 1998 йил мобайнида, истисно тарақасида, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлаш шарти билан акциялар савдосининг жами тушумини корхоналар ихтиёрида қолдирдик.

Аммо, ярим йиллик якуни натижаларига қараганда барча корхоналар ҳам мана шу имкониятдан фойдаланишга шошилмаяптилар. Акс ҳолда «Узмашсаноат» корхоналари ўз акцияларини — 66,7 фоиз,»Узэлтехсаноат» — 66,4 фоиз, «Узқурилишматериаллари» — 68,1 фоиз, «Узгуштсаноат» — 66,2 фоиз, «Маҳаллий саноат» тизими — 65,2 фоиз, «Узавтойул» — 60,5 фоиз, «Узагроқурилиш» — 56 фоиз,»Узбектрансқурилиш» — 56 фоиз миқдорида реализация қилганини, сотганини қандай изоҳлаш мумкин?

«Узавтосаноат», «Узсувқурилиш» каби уюшмалар корхоналари шу кунга қадар ўз акцияларининг ярмини ҳам сотгани йўқ. «Узпаррандасаноат» уюшмаси қайта тузилганидан сўнг ўзининг потенциал ресурсида 1 миллиард сўмликдан ошикроқ сотишга мўлжалланган акцияларни булатуриб, бор-йўғи 7,4 миллион сўмлик ёки 1 фойиздан ҳам кам акция сотган.

Шу сабаблар туфайли, эркин сотишга мўлжалланган, шу жумладан хорижий инвесторларга ҳам сотиладиган акциялар ресурси, яъни сотилмаган жами акциялар ҳажми 53 миллиард сўмдан ошиб кетди. Табиий савол туғилади: айланма маблағларнинг ўрнини тўлдириш учун яна қандай манба керак? **Вазирлар Маҳкамаси (Ў. Султонов, В. Чжэн) бу масалани синчиклаб ўрганиб чиқсин ва яқин кунлар ичида корхоналар акцияларини сотишни тезлаштиришга доир аниқ таклифлар киритсин.**

Корпорация, концерн, компания, фирма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари қўлоғига қўйиб олсин - улардан сўроқ қаттиқ бўлади!

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Эътиборингизни қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар мажмуи ижросига қаратмоқчиман. Олий Мажлиснинг охирги сессиясида қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартиришга доир қатор қонунлар қабул қилдик. Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» қонунлар, биринчи уқишдаги «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишнинг 2000 йилгача бўлган махсус дастури тасдиқланди. Куни кеча Вазирлар Маҳкамаси қишлоқда изчил ва дадил ислоҳот утказишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжат қабул қилди.

Халқ биздан амалий ишларни кутмоқда. Муҳими шундаки, қишлоқда ислоҳот утказилаётганда расмиятчиликка, кўзбўямачиликка йўл қўйиб булмайди. Гап қишлоқда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, мулкнинг пай, оила пудрати, узоқ муддатли ижарага асосланган мутлақо янги аграр ва иқтисодий муносабатларни шакллантириш, қишлоқда кооперативлар тузиш эвазига деҳқон хўжалигининг янгича турини ташкил этиш, деҳқон ва фермер хўжаликларини, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида бормоқда.

Мазкур барча чора-тадбирларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш билан шуғулланадиган махсус республика комиссияси, бу комиссия қошида ишчи ҳайъати тузилган. Қабул қилинган қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш, қишлоқ хўжалигини босқичма-босқич ислоҳ қилиш учун барча шарт-шароитни муҳайё этиш — мазкур комиссиянинг бош вазифаси этиб белгиланган.

Барча янгиланишлардан кутилган асосий мақсад — мулк эгасини шакллантириш, уни тарбиялашдан иборат. Қишлоқда мулк эгаси пайдо бўлиши лозим. Мулк эгасининг оёққа туриши ҳамда унинг жаҳон бозорларига чиқиши учун барча шарт-шароитни яратиб беришимиз лозим.

Бугун яна бир энг муҳим масалага тўхтамасдан ўтолмайман. **Бу, энг аввало, кичик ва ўрта бизнес тараққиётини рағбатлантиришга оид масаладир.** Барча янгиланишларимиз натижаси бутунлай кичик ва ўрта бизнеснинг ҳолати ва унинг тараққиёт даражасига боғлиқ эканини такрорлаб ўтиришга зарурат бўлмаса керак. Ислоҳотлар тақдири, оқиб-оқибатда эса - кишиларимиз фаровонлиги ва мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши кичик ва ўрта бизнес тараққиёти орқали ҳал қилинади.

Бу уринда мазкур масала фақатгина иқтисодий масала эмаслигини унутмаслик зарур. У муҳим ижтимоий-сиёсий масала ҳам ҳисобланади. Чунки у жамиятимизнинг иқтисодий ҳаётидагина эмас, сиёсий ҳаётида ҳам етакчи ўрин эгаллаши лозим бўлган мулкдорлар синфини барпо этиш билан бевосита боғлиқдир.

Биринчи ярим йилликнинг ўзидагина ҳукумат доирасида хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес тараққиётини рағбатлантиришга қаратилган бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди.

Мен 1998 йил 9 апрелдаги Фармонни, Вазирлар Маҳкамасининг кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш ҳақидаги қарорини, Узбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини мустаҳкамлаш бўйича, мустақил Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасини ташкил этиш ҳақидаги қарорларни назарда тутяпман. Вилоятларда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи, хўжалик ҳисобидаги Ахборот-маслаҳат марказлари ташкил этилди.

Республикада кафолат ва имтиёзлар беришнинг кенг тизимини барпо этиш, халқаро молиявий институтларнинг (Халқаро молия корпорацияси, Европа қайта қуриш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки) махсус кредитларини, шунингдек, хорижий банклар ва тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи турли жамғаларнинг бевосита кредитларини жалб этиш ҳисобидан кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш учун ғоят мақбул шароит яратилди.

Шунинг учун ҳам бу чора-тадбирларнинг бажарилиши ҳукуматнинг қаттиқ назорати остида бўлиши лозим. Бу иш кичик ва ўрта тадбиркорлик бўйича ҳукумат комиссиясининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз мамлакатимиз тараққиёти, демократик ўзгариш ва янгиланишлар, жамиятимизни ислоҳ қилиш истиқболларини белгилар эканмиз, энг аввало хусусий мулк эгаларининг мана шу тоифасига, бу тоифанинг амалга оширилаётган ўзгаришларда тутган етакчи ўрнига суянишимиз лозим.

К е й и н г и м а с а л а. Шуни эътироф этиш лозимки, сунгги йилларда бозор инфратузилмасини ташкилий асослари яратилди. Банклар, суғурта ва лизинг компаниялари тармоғи барпо этилди, турли фонд институтлари — биржалар, брокерлик идоралари, инвестицион фондлар, депозитарийлар, фонд ва улгуржи савдо магазинлари ҳамда бозор иқтисодиётига хос бўлган бошқа тузилмалар пайдо бўлди.

Айни пайтда шуни ҳам тан олиш лозимки, ташкил этилган кўпгина бозор тузилмалари шаклан бозор тузилмаси ҳисобланса-да, моҳият эътиборига кўра ўз номига жавоб бермайди. **Банк тизими заиф ҳолда қайта қурилмоқда, суғурта бозори ривожланмаган. Хомашё ва материаллар бўйича биржа савдосининг ўрни сезилмаяпти.** Корхоналар фаолияти илгаригидаги каби анъанавий шакллашган маҳсулот етказиб берувчиларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Истеъмолчи корхоналарнинг хомашё етказиб берувчи корхоналаргa қарамлиги ҳамон сақланиб қолган. Эски тақсимот тизими, лимит ва фондларни қўмсаш ҳам мана шундан келиб чиқади.

Бозор инфратузилмаси институтлари фаолиятини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, уларнинг ўз вазифасини зарур даражада бажаришга халақит бераётган тўсиқларни олиб ташлаш лозим. Хомашё, материаллар ва капиталнинг ички бозорини жонлантириш керак.

Банкларнинг низом капиталини танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш пайти келди. Банкларнинг низом жамғармасида асосий ўринни акциядорлик капитали эгаллаши лозим. Банкларни уларнинг эгалари бошқариши керак. Банклар бошқарувида айнан ана шу банк эгалари бўлиши керак, банк ходимлари эса шартнома орқали ишлайдиган хизматчилар бўлиб қолиши лозим. Бир сўз билан айтганда, банкларимизни, жумладан, тижорат банкларини мансабдорлар зўравонлигидан қутқариш зарур.

Биз бозор шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўли рақобат эканини доимо ёдда тутишимиз керак.

Маъмурий усуллар эмас, айнан рақобат фаол ҳаракатга чорлайди. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни янгилаш ва ривожлантиришга, харажатлар, таннархнинг қисқариб, натижада нархнинг арзонлашувига, омборларда ётган, ўтмай қолган маҳсулотнинг камайишига, янги бозор қидириш ва харидор учун курашни рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтиради.

Бироқ шуни эътироф этишимиз лозимки, республикада ҳақиқий рақобат муҳити яратилмаган. Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси ҳамда рақобат муҳитини шакллантириши лозим бўлган бошқа жамоат ташкилотлари заиф ишламоқда.

Тажриба шуни кўрсатяптики, саноат, қурилиш, коммунал хўжалиги, автомобил транспорти, ҳатто савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўпгина корхоналар ҳамон монополист бўлиб қолмоқда.

Бу ҳол Узбексавдо, Узбекбирлашув, Маҳаллий саноат, Узмаишийуюшма сингари кўпгина тузилмаларни қайта ташкил этиш заруратини туғдирди. Бу ишни яна давом эттириш керак. **Вазирлар Маҳкамаси комплекслари айрим соҳаларни бошқарув тузилмаларини танқидий нуқтаи назардан қараб чиқиб, сунъий монополия тузилмаларини тугатиш, давлатга қарашли бўлмаган, хусусий тадбиркорлар етакчилик қиладиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг кенг бозорини ташкил этиш бўйича таклифлар киритиши лозим.**

Рақобат муҳитини мустаҳкамлашда банкротлик институтини ривожлантириш, келажаги йўқ, иқтисодий ночор корхоналарни кескин тугатиш муҳим ўрин тутиши лозим. Корхоналарни елкада олиб юришга барҳам бериш керак. Улар эртами-кечми барибир банкротликка учрар экан, бу ишнинг тезроқ бўлгани маъқул.

Ҳукуматга Олий хўжалик суди билан биргаликда жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги натижалари бўйича зарар кўриб ишлаётган корхоналар рўйхатини яна бир бор кўриб чиқиб, уларнинг тақдирини ҳал этишни топшириш зарур, деб ҳисоблайман.

Яна бир муҳим нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман. Валюта курсимизни эркинлаштиришга оид масала ҳақида. Яқинда «Биржадан ташқаридаги валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилинган бўлиб, унда 1998 йил 1 июлдан бошлаб ваколатли банклар Марказий банкнинг расмий алмашув курсига нисбатан 12 фоиз ушлаб қолиши, ваколатли банкларнинг валюта активларини ҳамда умуман биржадан ташқаридаги валюта бозорини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган эди.

Қабул қилинаётган қарорларнинг маъноси шуки, республикада барча хўжалик субъектларининг талаб ва эҳтиёжларини қондира оладиган тўлақонли ва самарали ишлайдиган биржадан ташқаридаги валюта бозорини ташкил этиш учун имкон қадар зарур шарт-шароитлар яратиш лозим.

Бу вазифани ҳал этиш Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, тижорат банклари ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар зиммасига юкланади.

Пировард мақсад шундан иборатки, Узбекистон бозорида ишлаётган ҳар бир киши валютани эркин конвертация қила олсин. Биз ўз олдимизга 2000 йилдан кечикмасдан Халқаро валюта жамғармаси Битимининг саккизинчи моддасини имзолашни, миллий валютамизни амалда эркин конвертация қилишни таъминлашни вазифа қилиб қўйганмиз.

Бу мақсадга эришишда Халқаро валюта жамғармаси ҳамда Жаҳон банкининг ҳамкорлиги ва кўмагига катта умид боғлаймиз.

Бироқ, биз кўп нарса энг аввало ўзимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим. **Миллий валютани конвертация қилишнинг муҳим шарти мамлакатга валюта тушумини кескин кўпайтиришдан иборат. Бунинг манбаи эса экспорт ҳисобланади.**

Яқин йилларда экспортни кескин кўпайтирган ҳолда мамлакатнинг ташқи савдо айланмасини икки бараварга ошириш зарур.

Республикада Экспорт салоҳиятини кенгайтириш дастури ишлаб чиқилиб, қабул қилинган. Энди уни сузсиз бажариш жуда муҳимдир.

Шуни яна бир бор такрорламоқчиманки, биз экспортни ошириш ҳақида қанча гапирмайлик, ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш, маҳсулотимизнинг рақобатбардош бўлишини таъминламасдан туриб, бунга эриша олмаймиз. Хорижий сармояларни жалб этиш йўли билан корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билангина мақсадга эришиш мумкин.

**Ҳамма жойда сармояга эга бўлган шерикларни қидириш керак. Қўшма корхоналар барпо этиш лозим. Биз фақат шу йўл билангина корхоналарнинг кучли рақобат шароитида ишлай олишини таъминлашим



Мустақилликдан сўнг мамлакатимиз иқтисодиётининг бутунлай янгича тараққиёт йўлига ўтганлиги банк-молия тизими ходимларининг билим даражасини замон талабига ва халқаро андозаларга мослаштириш заруратини юзага келтирди. Банк-молия академиясининг ташкил этилиши эса, республикамизда иқтисодий таълим тизимини ривожлантириш жараёнидаги мана шу муҳим босқични бошлаб берди.

Банк-молия академиясининг илмий-техник базаси ниҳоятда бой.

Академияда 11 та кафедра мавжуд бўлиб, бу кафедраларнинг тингловчилари магистратурада 14 ойлик ўқув дастури асосида таълим оладилар.

Айни пайтда академия қошида аспирантура ва докторантура фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ёш мутахассисларнинг банк-молия соҳасида илмий изланишлар олиб боришда жуда қўл келяпти.

Суратларда: Банк иши факультети декани, иқтисодиёт тарихи ва ҳуқуқ кафедраси мудири, профессор Муталлиб Йўлдошев тингловчиларга сабоқ бермоқда.Академия ўқув зали ҳамиша тингловчилар билан гавжум.

Муҳаммад Амин
(ЎзА) олган суратлар.

СЕНДАН ЯХШИ НОМ ҚОЛСИН

Яқинда хизмат сафари билан Ангрен шаҳрига йўлим тушди. Ўзингизга маълум, журналист деганлари ,биринчи галда газета-журнал кўрдими, бир бора кўз югуртиради. Шу маънода мен ҳам шаҳар газетаси бўлмиш «Ангрен ҳақиқати» билан танишдим. Ундаги «Маърифат кўшкига нақкош» номли мақолани ўқиб, ўзим учун янги қаҳрамон кашф қилгандек бўлдим. Ҳозирда 73-футбол лицейи директори лавозимида ишлаётган Ҳакимхон ака Эшончаев билан яқиндан танишдим. Ҳакимхон ака табиатдан ширинсўз, дилтортар суҳбатдош эканлар. Айниқса, ҳамкасблари ўртасидаги ҳурматларига ҳавас қилдим. У киши бошқараётган мактаб икки йўналишда иш олиб борар экан. Биринчиси футбол бўйича бўлса, иккинчи йўналиш склероз касаллигига чалинган болаларни ўқитишга ихтисослашган. Ҳакимхон ака деярли бутун умрини таълимга бахш этган инсонлардан. Шу сабаб ҳам у киши «Халқ таълими аълочиси» унвони билан мукофотланган. Устоз эса « гап мукофотда эмас, аввало, сендан эл аро яхши ном қолса бас, шу энг катта мукофот» дейдилар. Шунданми, қаерда раҳбарлик қилган бўлсалар ўша ерда йўқ деганда бир боғ яратганлар. Аввалги раҳбарликларидаги 29-ўрта мактабда ҳам ёнғоқзор, узумзор ташкил қилган эканлар. Бугун 73-лицейда ҳам бу ишларнинг давомини кўриш мумкин. Бевосита мактабдаги амалий ишлар билан ҳам танишишни жоиз деб топдик. Қаранг, футболчи йигитлар беш маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак билан таъминланган. Буларнинг барида албатта мактаб директорининг ўрни беқиёсдир. Яқинда мактабда бассейн қурилиб фойдаланишга топширилибди. Энг асосийси жамоада ижодий муҳит яратилган. Ҳамма ўз ишини билиб қилади. Мактабда миллий бурчак ташкил этилиб, ўзбекона безатиб қўйилибди.

Х. АБДУРАХМОНОВ

МАСЪУЛИЯТ ВА ИЖРО

(Боши 1-бетда)

Фикримизча, қайд этилган ҳар иккала тамон ҳам эътиқодли амалий аҳлоққа, яъни олдин айтиб ўтганимиздек малакали мутахассисга боғлиқ. Гарчи ўртага қўйилган муаммоларнинг мазмунига аниқ ёндошадиган бўлсак, у ҳолда бугунги таълим-тарбия жараёнимизда қуйидаги манзараларнинг гувоҳи бўламиз. Энг аввало, биз малакали мутахассис учун ижодсизлик ва боқимандаликдан қутилишимиз керак. Бундан ташқари ҳозирги таълим тизимимизнинг энг йирик фожиаси борки, у ҳам бўлса, кўп ҳолларда такрорланадиган ўқитувчи ўзининг билганини ўқув юртида ўқувчига айтиб беради ва ўқувчининг қимматли вақтини олиб, зерикишига сабабчи бўлади. Дарс жараёни ўртага қўйган масала (таълим)ни моҳиятан тўғри очиш учун дарсликка (китобга) на ўқитувчи, на ўқувчи мурожаат қилади. Чунки дарсликда ўзларининг қизиқишларини амалий жиҳатдан ҳар иккаласи ҳам топа олмайди. Шунингдек дарсликларнинг ёзилиши ўқувчи ва ўқитувчининг муаммосидан келиб чиқиб, ўқув юртида ўзининг амалий ифодасини ижодий тарзда топмаган. Яна бир салбий ҳолатга, яъни, ўқитувчининг бир умр ўқитишига чек қўйишнинг мавриди келди. Қайсики, бугунги ўқув-тарбиявий жараёнда фақат ўқитувчи ўқитади.Қўпол қилиб айтганда кўп ҳолларда ўзини ўзи ўқитади. Бу ҳусусият эса бизнинг таълим жараёнимиздаги энг катта хатойимиз ҳисобланади. Аниқроғи қулфатимиз. Мазкур содда ҳақиқатни англашимиз учун оддий «фан» ва унинг қонуниятларини ҳурмат қилиш талаб этилади.

Ҳулосаларимизнинг қурсатишича, ҳақиқий педагогик таълимотда бир қонуният бўлиши керак: ҳамма нарсани билган ҳеч нарсани билмайди, бир нарсани билган ҳамма нарсани билади. Шунинг учун ҳам таълим тизимимиздаги ҳамма нарсани, тўғрироғи «педагогика фани»ни биладиган «қуруқ назариётчи» хом хаёлларидан тезроқ тозаланишга мажбурмиз. Шу боис ҳам энди таълим мазмуни ўқув предмети (дарслик) дастур, режаларининг ўзи нималигини ҳар бир ўқув-тарбиявий жараёнга алоқадор шахс аниқ билиши лозим. Дангал айтадиган бўлсак, ҳеч бир шахс бугунги кунда болам етти ёшга тўлди, энди мактаб ўқишга олиб кетади, деб бепарво бўлиши мумкин эмас!... «Андишанинг отини қўрқоқ қўймасдан» аввало, дарс ўтувчи шахс (ўқитишга алоқадор)нинг имкониятини аниқлаштириб олиш зарур. Шунда таълим тизимидаги ҳар бир масъул имкониятининг аниқлиги умумийликни келтириб чиқаради. Чунки биз эски тузумда фақат ва фақат бирдан умумийлашиб олишга ўрганганмиз. Шундан бўлса керакки, ҳозир ҳам тезда аниқликдан олдин умумийлашиб оламиз. Бундайин ҳолатга таълим тизимида асло йўл қўйиб бўлмайди!

Сир эмас, Президентимиз ташаббуси билан давлатимиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Ислоҳ масъулияти ва ижроси мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига катта вазифа юклайди.

Ҳаммамизга аёнки, ҳар қандай мамлакатнинг қучи, қудрати ўша мамлакат мутахассисларининг салоҳияти билан ўлчанади. Шул боис ҳам малакали мутахассисларни илмий (англаган) мутахассислар тайёрлашнинг таъминланиши ҳам аниқ бўлса, уринли бўларди. Шу билан бирга ихтисослаштирилган йўналишдаги илмий ишларини ҳам амалиёт учун тан олиб, уларнинг илмий ғояларини ишончли далил сифатида қабул қилиб, соҳалар бўйича татбиқ этиш даври аллақачон етиб келган. Шу ўринда бир ҳақиқатни тушуниш шартки, агарда ихтисослашган мутахассисларга эътибор қаратмасдан, яна ўша эски «сохта илмийлик»лардан қутулмас эканмиз, таълим ислоҳатларимизнинг тезликда ижодийлашуви бир оз оғир кечади.

Муддаога кўчиб, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га эътибор қаратсак, унда таълим тизимига масъулларнинг ҳар бирига қўпол бўлсада: «Дастур тузишни биласизми?» деган савол билан мурожаат қилиш керак бўлмоқда. Биз буни оддий бир тадқиқотчи сифатида айтаяпмиз.

Агар фикримиз кимгадир оғир ботса, олдиндан узр сўраймиз. Бироқ, ўртага қўйилган бу саволни жиддий муаммо сифатида кўриб чиқишни қарашларимиз исбот этмоқда.

Ҳолбуки, биз кимгадир ўзимизнинг фикр-ғоямизни тазйиқ сифатида билдиришдан анча йироқмиз. Аммо «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг моҳият мазмунидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бугун ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам фақат ўқиши зарур. Шул сабаб ҳаммамиз ўқисак, ўқишга эришамиз, ўқитиш ўз-ўзидан кун тартибидан чиқиб, дарсликларни ўқувчи ўқишга ўтади. Шунда дарслик ёзмаган ўқитувчи ўз имкониятини ўзи баҳолай олмайди.

Нуқтаи назаримизча, таълимни тубдан ислоҳ қилиш ўқитувчидан бошланса,ўқув юртларининг ўз ўқувчисига муносабати ўзгариб, дарсликларда мутахассиснинг малакаси (эътиқодли амалий аҳлоқи) мужассамлашади.

Яширишга ҳожат йўқ, эҳтирос кўпам яхшиликка олиб келмайди. Шул боис энди шижоатни ишга солайлик. Чунки қайд этиб ўтилган муаммолар ва бажарилиши лозим бўлган ҳамма ишлар ўзимизники. Энди уларни халқимиз онгига мос равишда етказиш ва муаммоларни тугатиш хусусида ҳам ўйлашимиз зарур бўлмоқда.

Ўйлашимизча, бунинг учун энди касб-ҳунар таълими жараёнини ва унда мутахассислар тайёрлаш жараёни назарияси ва амалиётини кенг қамровли илмий таҳлил қилиб, маҳаллий хусусиятдан келиб чиқиб ҳаётга татбиқ этишимизни даврнинг ўзи тақозо этаяпти.

Қарашларимиз, энг аввало, таълим-тарбияга доир илмий нашрларни бир бутун ҳолатга алоҳида-алоҳида вазифалар билан олиб келиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, касб-ҳунар ўрганишга хос аниқ бир дастур ва режаларни ўқув юртларининг ўзлари яратиши, ундан қўпроқ ўқувчи ва унинг ота-оналарининг фойдаланишлари назарда тутилса, таълимнинг амалий аҳамияти ўз ўрнини анъана, урф-одат, қадриятларимиз асосида топа боради.

Ваҳоланки, таълим тизими маҳаллий шароитнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий муаммоларини, ечишни назарда тутар экан, албатта, ўша юрт ҳокими, умуман, масъулиятли расмий шахслар таълим ва унинг очиб бераётган муаммосини доимо эсда тутиб, шуни юракдан ҳис қилиб, масъулият билан бажариши керак.

Қўйингки, аччиқ бўлса-да бир ҳақиқатни айтиш жоизки, расмий раҳбар ходим ўқув масканларни ва ундаги дарсни кузатмас экан, у ҳолда ижтимоий-иқтисодий юксалишимиз анча секин кечади. Орзу - мақсадимиз чигаллашади, аниқликлар мавҳумлашиб қолаверади.

Кўпчилик ўйлаши мумкин, раҳбарларнинг бошқа ишлари йўқми, деб. Аммо қабул қилинган Давлат хужжатларимизнинг моҳияти, мазмуни келажак авлодларимизга муаммо эмас, ижодий ишлаш имкониятини яратиб беришимизни қатъий талаб этади. Шул боис ҳам бугунги таълим тизимида бўлаётган туб ислоҳотлардан хабардор, огоҳ бўлиб туриш ҳаммага тенг масъулият юклайди.

Агарки, таълим масъулиятини мазмунли сезсак, бизнингча, шундагина «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»мизнинг мақсади—таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни яқин ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла холос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратиш... эканлигини давлатимизнинг ҳар бир фуқароси англаб етади.

Қаюм БОЙМИРОВ,
ўз мухбиримиз

МИЛЛИЙ ТЕСТ ЖАМҒАРМАСИНИ БИЛИМДОНЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ТАШАББУСИ ВА АҚЛИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

Давлат тест маркази томонидан уч йилдан бери ўтказиб келинаётган «Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифи» республика танловининг 1998 йилдаги якунларини, унинг асосий ғоясини ушбу мақоланинг сарлавҳаси билан ифодалаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 1992 йилдан республика олий ўқув юртларига (ҳозирда ўрта махсус ўқув юртларига ҳам) талабалар қабул қилишда МДҲ мамлакатлари ўртасида биринчи бўлиб тест усулининг жорий қилиниши миллий ривожланиш стратегиясида таълимнинг устиворлигини кўрсатади.

Ҳозирги пайтда Давлат тест маркази тест синовлари ўтказиладиган барча ўқув фанлари бўйича бирмунча катта ҳажмдаги, юқори сифатли тест топшириқлари жамғармасига эга.

Маълумки, ДТМнинг тест топшириқлари республиканинг барча вилоятларида кенг равишда дастлабки синовдан ўтказилмоқда, тегишли ўқув фанларининг тажрибали мутахассислари томонидан таҳриз қилиниб баҳоланмоқда. Шундан кейингина, қўлга киритилган натижаларни ҳисобга олган ҳолда, сифат кўрсатгичларининг меъёрий даражасига етказилади ҳамда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўтказиладиган тест синовларида, илмий-педагогик кадрларни аттестатлашда фойдаланилади.

Шу билан бир қаторда, Давлат тест маркази уч йилдан бери республикамиз илмий, педагогик жамоатчилигига мурожаат қилиб, уларни тест топшириқлари жамғармасини тўлдиришдек қизиқарли ва ижодий ишда иштирок этишга даъват қилиб келмоқда. «Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифи» танловида иштирок этиш ўз тажрибаси, қизиқарли ижодий ўй-ниятларини сўздагина эмас, балки амалда ҳам намойиш қилишнинг энг яхши имконияти ҳисобланади.

Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирча у ёки бу тест топшириғини муомалага киритишда Давлат тест маркази ўз сўзини ўтказиб келмоқда. Бу та-биий ҳол, чунки ёшларни республикамизнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларига танлаб олишнинг ушбу нозик усулини шакллантириш ва такомиллаштиришдек масъулиятли вазифа айнан Давлат тест марказига юклатилган. Бу усул (восита), яъни, педагогик тест қанчалик аниқ ва ишончли бўлса, келажакда республикамизда «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида» ги Қонунларни амалга оширишга шунчалик имкон тўғилади.

Яна бир масала. Ҳар қандай танлов бу бирон-бир янги, қизиқарли ўй-ниятни намойиш қилиш истагидир. Танлов иштирокчилари шуни тушунишлари керакки, бунда муаллифларнинг ижодий жиҳатдан ҳақиқатдан янги ва қизиқарли фикрлари, ўй-ниятларини акс этмоғи керак. Танлов ташкилотчилари уни эълон қилар эканлар, жамғармани миқдорий жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан тўлдиришни назарда тутганлар. Шунга кўра, танловга юборилган тест топшириқлари «Ахборотнома» ва «Вестник» журналларида эълон қилинган материалларни такрорламаслиги керак.

Шундай қилиб, эътиборингизни танлов якунларига қаратамиз.

Аввало, ДТМ маъмурияти ва танлов ҳайъати танловнинг барча иштирокчиларига миннатдорчилик билдиради. Чунки унда иштирок этган ҳар бир киши республика учун ниҳоятда зарур бўлган миллий тест топшириқлари жамғармасини шакллантириш ишига ҳисса қўшган бўлади. Шундай бўлса-да, танлов танлов аталади, ҳар қандай мусобақа ғолибларни аниқлашни кўзда тутади.

1998 йил танловида абитуриентларни тест синовларидан ўтказиш кўзда тутилган барча ўқув фанлари бўйича тест топшириқлари тузган 198 та муаллиф қатнашди. Танловда иштирок этганларнинг 149 таси мактаб ўқитувчилари, 6 таси олий ўқув юртларининг домлалари ва илмий-тадқиқот институтларининг ходимлари, 15 таси эса талабалар ҳамда мактаб, лицей ва гимназияларнинг ўқувчиларидир.

Энг кўп материал Наманган (38та), Самарқанд (34 та), Андижон (21 та) вилоятларидан ва Қорақалпоғистон Республикасидан (18 та) келган. Хоразм ва Қашқадарё вилоятларидан 13 тадан, Навоий ва Сирдарё вилоятларидан 11 тадан, Фарғона ва Бухоро вилоятларидан 10 тадан кўпроқ танловда қатнашган. Қолган вилоятлардан иштирок этганлар сони 5 тадан ортиқ эмас.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ўқитувчиларининг танловга фаол иштирок этмаганлиги кишини ажаблантиради. Ахир, айни шу жойларда Олий ўқув юртларининг, ЎзРФА институтларининг, мактаб, лицей ва гимназияларнинг энг кучли жамоалари фаолият кўрсатади-ку!

Танлов ҳайъати ҳозирги пайтда йирик илмий марказлардан йироқда бўла туриб, ўз меҳнати, касбий маҳорати билан миллий тест топшириқлари жамғармасини бойитишга кўмаклашаётган қишлоқдаги ўқитувчиларимизга улкан миннатдорчилик билдиради.

Танлов ғолибларининг анчагина қисмини Қорақалпоғистон Республикаси (6 та), Наманган (6 та), Самарқанд (3 та), Андижон (3 та), Бухоро (3та) вилоятларининг вакиллари ташкил этади.

Ўқув фанлари бўйича математика (44 та), ўзбек тили (29 та), биология (23 та), тарих (22 та), кимё (19 та), физика (15 та), инглиз тили (11 та) ўқитувчилари айниқса фаоллик кўрсатганлар.

«Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифи» республика танлови ҳақидаги Низом ҳамда экспертларнинг тақдим этилган тест топшириқларига берган баҳолари асосида танлов ҳайъати қуйидаги муаллифларга тегишли ўрин ва мукофотлар беришга қарор қилди:

ўзбек тили бўйича
(ўзбек тили ўқитиладиган мактаблар учун)

1-мукофот— Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 23-мактаб ўқитувчиси Т.Отахоновга

2-мукофот — Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 24-мактаб ўқитувчиси Ғ.Я.Усмоновага

3-мукофот — Бухоро педагогика билим юрти ўқитувчиси М.Ҳабибовага

ўзбек тили бўйича
(рус тилида ўқитиладиган мактаблар учун)

1-мукофот — берилмади

2-мукофот — Хоразм вилояти Янгиариқ тумани Ф.Хўжаев номидаги лицей ўқитувчиси Б. Т. Овезовга

3-мукофот — берилмади

рус тили бўйича
(рус тилида ўқитиладиган мактаблар учун)

1-мукофот — Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Ш.Рашидов номидаги лицей ўқитувчиси А.Расуловага

2-мукофот — Қорақалпоғистон Республикаси Турткул шаҳридаги 2-мактаб ўқитувчиси З.Х.Еримбетовага

3-мукофот — Бухоро вилояти Қоракўл шаҳридаги 164-мактаб ўқитувчиси М.Э. Бобоевага

рус тили бўйича
(ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблар учун)

1-мукофот берилмади

2-мукофот— Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси Т.Т.Обидовга

3-мукофот — Қорақалпоғистон Республикаси Тахиятош шаҳридаги 6-мактаб ўқитувчиси Б.У.Матжоновага

қорақалпоқ тили бўйича

1-мукофот берилмади

2-мукофот — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 17-мактаб ўқитувчиси С. Отажоновага

3-мукофот — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси Ш.Алламуратовага

инглиз тили бўйича

1-мукофот — Тошкент шаҳридаги 258-мактаб ўқитувчиси Ҳ.М.Исмоиловага

2-мукофот — Қорақалпоғистон Республикаси Муйноқ туманидаги 1-лицей ўқитувчиси К.К.Уринбоевага

3-мукофот — Наманган вилояти Чуст шаҳридаги мактаб ўқитувчиси А.А.Ҳамидовага

француз тили бўйича

1-мукофот — берилмади

2-мукофот — берилмади

3-мукофот — Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 24-мактаб директори К. Очиловга

немис тили бўйича

1-мукофот — берилмади

2-мукофот — Наманган вилояти Чуст шаҳридаги мактаб ўқитувчиси С.С. Эргашевга

3-мукофот — Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 26-мактаб ўқитувчиси Д.К.Рустамовга

математика фани бўйича

1-мукофот - берилмади

2-мукофот -Бухоро вилояти Жондор туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси К.Усмоновга

3-мукофот — Хоразм вилояти Қўшкупир туманидаги 4-вилоят лицейи ўқитувчиси Х.Х.Бобожоновга

кимё фани бўйича

1-мукофот — Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Қуриқнайман қишлоғи лицей-интернат ўқитувчиси М.С.Алибековга

2-мукофот — Андижон вилояти Асака туманидаги 36-мактаб ўқитувчиси М.Саидовга

3-мукофот— Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Бобур номидаги 4-мактаб ўқитувчиси Д.Қиличевага

биология фани бўйича

1- мукофот — берилмади

2- мукофот — Наманган вилояти Чуст туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси Й.Абдурахмоновга

3- мукофот — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси К.Аметовага

физика фани бўйича

1-мукофот — Тошкент шаҳри А.Авлоний номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институти доценти А.А.Узоқовга

2-мукофот Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 1-лицей-интернат ўқитувчиси У.Пирматовга

3-мукофот —берилмади

тарих фани бўйича

1-мукофот — берилмади

2-мукофот — Навоий вилояти Навоий туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси М.А-.Ҳақбердиевага

3-мукофот — Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 65-мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича уринбосари А.Н.Расуловга

география фани бўйича

1-мукофот — Навоий вилояти Қизилтепа тумани халқ таълими бўлими ходимлари И.Камолов, М.Турсунов ва Ҳ.Аҳмедоваларга

2-мукофот — Наманган вилояти Поп туманидаги 23-мактаб ўқитувчиси Д.Мавжутовга

3-мукофот — Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 61-мактаб ўқитувчиси К.Ҳазратовга

Kamoliddin Behzodning 545 yillik yubileyi oldidan

БЕҲЗОДНИНГ ЯГОНА СУРАТИ

Ўзининг нозик санъати, ажойиб маҳорати, такрорланмас гўзал ижоди билан нафақат Шарқ халқлари, балки бутун жаҳон халқлари маданиятида унутилмас из қолдирган, улкан истеъдод эгаси, забардаст санъаткор, буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод Ҳиротда камбағал ҳунарманд оиласида дунёга келди.

Беҳзод ота-онасидан жуда эрта ажралди. Уни Ҳусайн Бойқаронинг китобдори (кутубхоналар бошлиғи) Мирак Наққош ўз тарбиясига олиб вояга етказди ва Ҳиротдаги «Нигористон» да (санъат академияси) унга наққошлик ҳунарини ўргатди.

Камолиддин Беҳзод мусаввирликни «Умдат ал-мусаввир» деб ном олган бухоролик рассом Жаҳонгир ва Ўрта Осиё мусаввирлик мактабининг асосчиси, устод Нунгнинг ишларини давом эттирган наққош Пир Саид Аҳмад Табризийдан ўрганди. Камолиддин Беҳзоднинг таржимаи ҳолини ёзган муаллифларнинг айтишича, унинг мусаввирликдаги ижоди 1470 йилларда бошланган.

XV аср Ҳирот адабий, бадиий-илмий, санъат ва маданият оламида етишиб чиққан жуда кўп сиймолар сингари Камолиддин Беҳзод ижодий камолотида ҳам Алишер Навоий ҳал қилувчи роль ўйнаган. Буюк шоир Алишер Навоий Беҳзоднинг истеъдодини шакллантиришда мададкор бўлди. Бу ҳақда Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида шундай ёзади: «Алишербек (Навоийнинг) эътибори ва тарбияси туфайли Беҳзод шуҳрат қозонди».

Камолиддин Беҳзод ўз даврининг пешқадам миниатюрачиси, кейинчалик қўлёзмаларни безаш ва миниатюралар яратиш бадиий устахонасининг раҳбари бўлди. Бу устахона бора-бора «Беҳзод Нигористони» деган ном ҳам олган.

Беҳзод 1510 йилларга қадар Ҳиротда яшаб ижод этди, кейин у Табризга (Озарбайжонга) борди ва кутубхонага бошлиқ қилиб тайинланди, санъаткорларга эса устозлик қилди.Камолиддин Беҳзод Ҳирот мактаби деб ном таратган янги бир ижодий услубнинг асосчиси бўлди, ҳамда устоз санъаткор сифатида Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон ва бошқа ўлкалардаги мусаввирлик санъати тараққиётига самарали таъсир кўрсатди.

Камолиддин Беҳзоднинг ижодий мероси катта. Беҳзод мўйқаламига мансуб миниатюралар билан безалган қатор қўлёзмалар бизгача етиб келган.

Шайх Саъдийнинг «Бўстон»ига ишланган миниатюралари (1478 йил. Лондон, Частер Ветти кутубхонасида) мусаввирнинг илк асарларидир. У 1488 йилда Султон Ҳусайн буюртмаси билан Шайх Саъдийнинг «Бўстон»ига 4 та миниатюра ишлаган (қўлёзмаси Миср миллий кутубхонасида сақланмоқда).

Беҳзод XV асрнинг 80 йилларида Шерали Ҳаттот кўчирган «Зафарнома» учун 8 та, «Хива қалъасини забт қилиш», «Жанг», «Самарқанд» масжидини қуриш» ва «Бўстон», «Доронинг чўпонлар билан учрашуви» каби миниатюраларини яратган. Низомий Ганжавийнинг «Хамса» (икки нусха, 1432 йил ва 1495 йил. Лондондаги Британия музейида), «Лайли ва Мажнун» (XV аср охири. Ленинграддаги Салтиқов Шедрин кутубхонасида), Хисрав Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун» (икки нусха, 1495 йил, XVI аср бошларида) ва бошқа асарлари Камолиддин Беҳзоднинг ниҳоятда моҳир суратқаш ва коларит устаси бўлиб етишганини кўрсатади.

Ўрта Шарқ санъати тарихида Беҳзод мисли кўрилмаган портретчи сифатида донг таратди. У деярли графика услубида чизади ва унинг мақсади чизган одамнинг ташқи қиёфаси орқали фақат шу кишига хос хусусиятларни намоён этишдир. Портрет услубида ишлаганида Беҳзод ортиқча чизиқлардан қочади, фақат энг зарур чизиқларни тилга киритади. Беҳзодни иҳҳомлантирган одамлар турли-туман, ранго-ранг. Масалан, Султон Ҳусайн, унинг рафиқалари, маъшуқалари, оддий деҳқонлар, боғбонлар. Лекин мусаввир яратган тасвирий санъат асарлари ичида Алишер Навоий қиёфаси алоҳида ажралиб туради. Бу суратларнинг бирида, «Садди Искандарий» асарига кирган миниатюрада мусаввир Навоийни ўз устози Жомий ҳузурида «Хамса» ни келтириб, устоз фикрини кутиб тургани ҳолда тасвирлаган.

Беҳзод асарлари (чизилган ва кўчирилган қўлёзмалар) ҳозирги кунда Буюк Британия, Франция, АҚШ, Олмония, Миср, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, ва Ўрусия коллекцияларида, Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланаётир.

Унинг асарлари реализм белгилари, ранглар маҳзунлиги ва ифодалилиги билан ажралиб туради.

Камолиддин Беҳзод Қосим Али, Султон Муҳаммад, Маҳмуд Музаҳҳиб сингари кўплаб шогирдлар тайёрлади. Буюк мусаввир асарлари фақат шарқ санъатининг эмас, балки жаҳон хазинасининг ҳам ноёб намуналаридандир. Беҳзод ижоди ўзбек санъатининг сўнмас мероси, анъанасидир. Ўзбекистонда бугунги кунда Беҳзод асарларининг аҳамияти янада ошди, унинг маҳоратини ўзлаштирган кўпгина рассомлар замонамизга муносиб асарлар яратмоқдалар.

Жумладан, Ўзбекистон рассомларининг миниатюра санъатини эгаллашлари борасида сўзлайдиган бўлсак, албатта рассом Чингиз Аҳмаров ижодини санамасдан ўтиб бўлмайди. Ардоқли рассомимиз Чингиз Аҳмаров Ўрта Шарқнинг миниатюра санъати анъаналарини шу кунга қадар ривожлантириб келаётган бутун бир йўналишга асос солди.

Замондош рассомлардан Жавлон Умарбеков «Беҳзод устози Мирак Наққош ҳузурида» асарида Беҳзод образини яратди. Шу асар туфайли Ўрта Шарқда ижод этган икки мусаввир образи ҳозирги авлод кўз ўнгида гавдаланиб қолди. Ёки рассом Темур Саъдуллаевнинг «Алишер Навоий ва Камолиддин Беҳзод» асари, рассом В.Рейхнинг «Камолиддин Беҳзод шогирдлари билан ўз устахонасида» каби суратлар ҳозирги авлод кўз ўнгида улуғ мусаввир Камолиддин Беҳзод ким эканлиги хусусида янада тўлиқроқ маълумот беради.

Камолиддин Беҳзоднинг ўз портрети масаласига келсак, узун чопон кийган, бошига салла ўраган бир эркак сурати сақланган. Ориқдан келган, бироз букчайган, кексайган бу одамнинг чап қўлида жилд, ўнг қўли билан китоб узатаяпти. Суратнинг ўнг тарафи тепа қисмида «Сувати устод Беҳзод» деган ёзув бор. Бу Беҳзоднинг Табриздаги шогирдларида бири яратган ягона портретдир. Портретнинг асл нусхаси Истамбул университетининг кутубхасида сақланади. Сурат 1525 йилда ишланган ягона, бирдан-бир ноёб портретдир. Моҳир наққош ва миниатюра устаси Камолиддин Беҳзод умрининг охирги йиллари Табриздан ўз она юрти Ҳиротга қайтиб келди ва 1537 йили (ҳижрий 942) вафот этди.

Шокиржон ЎРИНБОЕВ
Наманган вилояти ПХМОИ «Нафосат» бўлими бошлиғи, халқ таълими аълочиси